

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ёшлар ишлари агентлиги**  
**директорининг биринчи**  
**ўринбосари – харид**  
**комиссияси раиси**



**Ж. Ходжаев**

Мақтаб ўқувчилари учун, энг аввало, Ватанни севиш, оила, ота-она ва устозларга хурмат туйғуларини шакллантириш, ҳаётда ўз олдиға мақсад қўйиш, иродали бўлиш ва илм олишни тарғиб қилувчи махсус мотивацион видеороликларни тайёрлаш юзасидан

**ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ**  
**ХУЖЖАТИ**

**Тошкент 2022 йил**

# VII. БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

## 1. Умумий маълумотлар

1.1. Тўлиқ номи: Мактаб ўқувчилари учун, энг аввало, Ватанни севиш, оила, ота-она ва устозларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, ҳаётда ўз олдига мақсад қўйиш, иродали бўлиш ва илм олишни тарғиб қилувчи махсус мотивацион видеороликларни тайёрлаш юзасидан энг яхши таклифларни танлаш ўтказиш.

1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги.

1.3. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва ишларни бажариш бўйича энг яхши таклиф: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра аниқланади.

1.4. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг максимал нархи: ҚҚС билан **200 000 000 (Икки юз миллион) сўм.**

1.5. Маҳсулот (иш, хизмат)ларни тайёрлаш ва бажариш муддати: **60 кун.**

1.6. Молиялаштириш манбалари: Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.

## 2. Техник талаблар

2.1. Мактаб ўқувчилари учун, энг аввало, Ватанни севиш, оила, ота-она ва устозларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, ҳаётда ўз олдига мақсад қўйиш, иродали бўлиш ва илм олишни тарғиб қилувчи махсус мотивацион видеороликларни тайёрлаш юзасидан техник вазифа:

Мактаб ўқувчилари учун, энг аввало, Ватанни севиш, оила, ота-она ва устозларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш, ҳаётда ўз олдига мақсад қўйиш, иродали бўлиш ва илм олишни тарғиб қилувчи махсус мотивацион видеороликларни суратга олиш.

Ролик сони: 5 та.

Ролик давомийлиги: 1-3 дақиқа оралиғида

Жанр: бадиий

Муддат: ҳар бир ролик учун 15 кун

Роликда ишчи тили ўзбек тили.

Роликнинг тасвирга олишда сифат бўйича талаблар:

16:9 форматда 6K WS (6144x2592) уoki 4K (3840x2160), профессионал монтаж, рангли коррекция.

Роликнинг овози бўйича талаблар:

320 kbs stereo AAC форматдаги сифатда.

Роликнинг бадиий-ғоявий талаблари:

Танловга роликнинг 2 варақдан кам бўлмаган кенгайтирилган синопсиси тақдим қилинади, бунда ролик синопсисининг бадиий-ғоявий мазмуни ва ижодий креатив ечимига танловга жалб қилинган соҳа экспертлари томонидан тегишли хулоса берилади.

Иштирокчига қўйиладиган талаблар:

иштирокчининг охириги 3 йил давомидаги асосий фаолият тури кинематография соҳаси бўлиши ва ёшларга оид давлат сиёсати бўйича камида 5 та ижод маҳсули тайёрлаган бўлиши;

Роликни тасвирга оладиган ижодий гуруҳнинг яъни сценарий муаллифи, режиссёр, оператор ва продюсернинг соҳадаги тажрибаси ҳамда шу кунгача ишлаб чиқарган аудиовизуал асарларининг сони, сифати ва эришилган натижаси.

Роликнинг пиар тарғиботи бўйича талаблар:

Ролик интернет нашрлар, ижтимоий тармоқлар ва блогерлар томонидан кенг пиар тарғибот қилиниши зарур ва бу бўйича иштирокчилар томонидан танловга алоҳида аниқ медиа режа ва қамраб олинadиган аудитория ҳажми таклиф этилиши талаб этилади.

Муаллифлик ҳуқуқлари бўйича талаблар:

Фильмни яратишнинг барча босқичларида маҳсулотни яратувчи амалдаги қонунчиликка амал қилган ҳолда фильмдаги тасвирлар, ёзув кўринишидаги матнлар, товушлар, мусикалар,

овозлардан фойдаланиш талаб этилади. Сиз тақдим этган фильмда муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолатда, қайта таҳрир қилиш талаб этилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда фильм Буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.

Роликни ишлаб чиқувчи фильмнинг бошланғич қисмида Буюртмачининг логосини жойлаштириш талаб этилади.

Роликни ишлаб чиқувчи Буюртмачининг тасдиқлашидан кейингина интернет тармоғига жойлаштиришга рухсат берилади.

Ролик ишлаб чиқувчи жамоадан вакил буюртмачи томон билан доимо алоқада бўлиши ва жараёнлардан хабардор қилиб туриши тавсия этилади.